

## جمادي الاول

### بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

#### ТАДБИРКОР – ФАРОВОНЛИККА МАДАДКОР

(“Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”)

**Мухтарам жамоат!** Динимизда ҳалол касбга тарғиб қилинган бўлиб, танбаллик, дангасалик, ишёқмаслик каби жамиятга зарар келтирувчи иллатлардан қайтарилганмиз. Ҳатто ҳалол ризқ йўлида қилинадиган саёю ҳаракатлар учун улкан савоблар ваъда қилинган.

Пайғамбаримиз с.а.в.дан ворид бўлган ҳадисларнинг бирида:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "طَلَبُ كَسْبِ الْحَلَالِ فَرِيضَةٌ بَعْدَ الْفَرِيضَةِ"

(رواه الإمام البيهقي في "شعب الإيمان").

яъни: Абдуллоҳ ибн Масъуд р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: **“Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир”** (Имом Байҳақий бу ҳадисни “Шуъабул-имон” китобида келтирганлар). Имом Муҳаммад аш-Шайбоний илм талаб қилиш қандай фарз бўлса, ҳалол касб талаб қилиш ҳам худди шундай фарздир, деганлар.

Киши бировга муҳтож бўлмаслик учун меҳнат қилар экан, ҳам ўзининг инсонлик шарафини ҳимоя қилади, ҳам Яратганнинг амрига бош эгади. Зеро, мўминга Аллоҳнинг амри, Расулининг с.а.в. кўрсатган йўллари ҳалол меҳнат қилмоқликдир. Расул ақрам с.а.в. шундай марҳамат қилганлар:

عَنِ الْمِقْدَامِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَا أَكَلَ أَحَدٌ طَعَامًا قَطُّ خَيْرًا مِنْ أَنْ يَأْكُلَ مِنْ عَمَلِ يَدِهِ" (رواه الإمام ابن ماجه).

яъни: Микдом р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ с.а.в. айтадилар: **“Киши ўз қўл меҳнати билан топганидан кўра яхшироқ ва покizarоқ таом емайди”** (Имом Ибн Можа ривояти). Пайғамбаримиз с.а.в. бир кишининг мисолини келтириб айтдилар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "الرَّجُلُ يُطِيلُ السَّفَرَ أَشْعَثَ أَغْبَرَ يَمُدُّ يَدَيْهِ إِلَى السَّمَاءِ يَا رَبِّ يَا رَبِّ وَمَطْعَمُهُ حَرَامٌ وَمَشْرَبُهُ حَرَامٌ وَمَلْبَسُهُ حَرَامٌ وَغَدِيٌّ بِالْحَرَامِ فَأَنَّى يُسْتَجَابُ لَهُ؟" (رواه الإمام مسلم).

яъни: Расулуллоҳ с.а.в. айтадилар: **“Узоқ ҳажж сафарига чиқиб, соч-соқоли тўзиб, чангга ботган ҳолда икки қўлини осмонга кўтариб, “Эй Раббим, эй Раббим”, дейди, дуо қилади, ваҳоланки егани ҳам ҳаром, ичгани ҳам ҳаром, кийгани ҳам ҳаром, ҳаромдан озиқланган... Қаердан ҳам дуоси ижобат бўлсин?!”** (Имом Муслим ривояти).

**Мухтарам азизлар!** Уламолар тирикчилик ва касб-кор қилиш орқали мол топишни бир неча даража ва мартабаларга бўлган.

**Биринчиси** – фарз даража бўлиб, бу кишининг ўзи ва оиласининг зарурий эҳтиёжларини қондириш ҳамда қарзларини узишга етадиган миқдорда ишлаб пул топишидир.

**Иккинчиси** – мустахаб даража бўлиб, бу фақир-камбағалларга ҳам ёрдам қўлини чўзиш, дўст-ёр ва яқинларига мурувват кўрсатиш мақсадида мол-дунё орттиришга ҳаракат қилишидир. Набийимиз с.а.в. айтадилар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ".

яъни: **“Одамларнинг ичида Аллоҳга энг маҳбуби одамларга кўпроқ манфаати етадиганидир.**

**Учинчиси** – мубоҳ даражадаги касбу кор. Бу фаровон ҳаёт кечириб учун зиёда мол орттирмоқ. Бу ҳам агар ҳалолдан бўлса жоиздир. Расулulloҳ с.а.в. марҳамат қилдилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ قَالَ: "مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا اسْتِعْفَا عَنْ الْمَسْأَلَةِ وَسَعَى عَلَى الْعِيَالِ وَتَعَطَّفًا عَلَى الْجَارِ لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى وَجْهَهُ كَأَلْقَمَرٍ لَيْلَةَ الْبَدْرِ"

яъни: **“Ким одамларнинг кўлига қарам бўлмаслик, оиласини боқиб ва кўни-кўшинларига мурувват қилиш учун ҳалол мол-дунё талаб қилса, юзи тўлин ой кечасидаги ой каби порлаган ҳолда Аллоҳга йўлиқади”.**

**Тўртинчиси** – макруҳ даража бўлиб, бу манманлик, кеккайиш, кибру ҳаво ва мақтаниш учун гарчи ҳалолдан бўлса ҳам мол-мулк топиш. Набий с.а.в. дедилар:

" وَ مَنْ طَلَبَ الدُّنْيَا حَلَالًا مُفَاخِرًا مُرَائِيًا مُكَاتِرًا لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى وَهُوَ عَلَيْهِ غَضَبَانٌ ."

яъни: **“Ким мол-дунёни мақтаниш, кўз-кўз қилиш ва бошқалардан кўплиги билан фахрланиш учун талаб қилса, Аллоҳ таолога Унга газаб қилган ҳолида йўлиқади”.**

Эрта билан ҳалол ризқ топаман, шу орқали болаларимни боқаман, деган эзгу ва покиза ниятларда ишига йўл олган инсонга Аллоҳ ҳузурида улуг ажрлар ёзилади. Шунинг учун Набий с.а.в. бундай деганлар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ، قَالَتْ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : " مَنْ بَاتَ كَالًا مِنْ طَلَبِ الْحَلَالِ بَاتَ مَغْفُورًا لَهُ " (رواه الإمام ابن عساكر).

яъни: **“Ким ҳалол меҳнат қилиб, ҳориб чарчаган ҳолда тунаса, гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди”** (Имом Ибн Асокир ривояти).

Банда ҳалол меҳнат қилиб, аҳли-аелимнинг нафақаси зиммамдаги вожиб амал, деб ихлос билан бозорга кадам қўйиб кириб борар экан, Расулulloҳ с.а.в. таълим берган қуйидаги дуони ўқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бинобарин, бунда дуо қилувчи учун кўплаб фойдалар бор. Умар ибн Хаттоб р.а.дан ривоят қилинади, Расулulloҳ с.а.в. бундай дедилар:

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَنْ دَخَلَ السُّوقَ فَقَالَ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَ لَهُ الْحَمْدُ يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ

شَيْءٍ قَدِيرٍ، كَتَبَ اللَّهُ لَهُ أَلْفَ أَلْفِ حَسَنَةٍ وَمَحَا عَنْهُ أَلْفَ أَلْفِ سَيِّئَةٍ وَرَفَعَ لَهُ أَلْفَ أَلْفِ دَرَجَةٍ" (رواه الإمام الترمذي).

яъни: “*Кимки бозорга кириб, “Ла илаҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу ла шарика лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, йухйи ва юмиту ва ҳува ҳайюл ла ямуту биядиҳил хойру ва ҳува ала кулли шайъин қодир”, - деса Аллоҳ унга минг-минг яхшиликлар ёзади, минг-минг хатосини ўчиради, уни минг-минг даражага кўтаради*” (Имом Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, ризқни берувчи Аллоҳ эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Ризқни қанча миқдорда бериш Аллоҳ таолога ҳавола, банданинг вазифаси эса ҳаракат қилиш бўлади. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади:

قُلْ إِنْ رَبِّي يَسْطُرُ الرَّزْقَ لِمَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَيَقْدِرُ لَهُ وَمَا أَنْفَقْتُمْ مِنْ شَيْءٍ فَهُوَ يُخْلِفُهُ وَهُوَ خَيْرُ الرَّازِقِينَ  
(سورة سبأ/39).

яъни: “**Айтинг: “Албатта, Раббим бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқни кенг қилур ва (Ўзи хоҳлаганига ризқни) танг қилур. Бирор нарсани (муҳтожларга холис) эҳсон қилсангиз, бас, (Аллоҳ) унинг ўрнини тўлдирур. У ризқлантирувчиларнинг яхшисидир”** (Сабаъ сураси, 39- оят).

Биз ниятимизни тўғри қилиб, Аллоҳ таолодан сўраб ҳалол касбу-ҳунар қилсак, берган ризқига шукрона қилсак, иншоаллоҳ, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Аллоҳ таоло тадбиркорларимизнинг касбу корларига барака бериб, халқимиз турмушида фаровонликни янада зиёда айласин. Омин!

**Муҳтарам жамоат! Мавъизамизнинг ҳанафий мазҳабимиздаги фикҳий масалалар қисмида намозга кеч келиб қўшилган кишига (масбуқга) тегишли баъзи амаллар ҳақида суҳбатлашамиз.**

Намозга кеч келиб, имомга иқтидо қилган киши, имомни намознинг қаерида топса шу еридан бошлаб иқтидо қилади.

Агар имом товуш чиқариб (жаҳрий) қироат қилаётган бўлса, “Такбири таҳрима”ни айтиб, (яъни, “Аллоҳу акбар” деб) санони (“Субҳанакаллоҳумма...”) ўқимасдан, унга эргашади. Имом намозни тугатганидан кейин, етолмаган ракатларни ўзи ўқиб олади.

Агар имомга махфий намозда иқтидо қилган бўлса, келиб қўшилган киши санони ўқийди.

Жамоатга кеч қолиб келиб, имомни рукуъ ёки сажда ҳолатида топган киши қарайди: агар санони ўқиб ҳам, имом билан бирга рукуни ёки саждани қила олишига кўзи етса, санони тик турган ҳолида ўқийди ва имомга эргашади. Бунга кўзи етмаса, санони ўқимай, руку ёки саждага боради.

Тўрт ракатли намознинг тўртинчи ракатига етган киши имом билан бир ракат ўқийди, имом салом берганидан кейин туриб, бир ракатни Фотиҳа ва зам сура билан ўқийди. Рукуъ ва сажда қилганидан кейин ташаҳхудга ўтиради. Ташаҳхуддан сўнг туриб, яна Фотиҳа ва зам сура ўқийди, рукуъ-сажда қилади ва тўртинчи ракатга туради. Тўртинчи ракатда фақат Фотиҳани ўқийди, рукуъ-сажда қилиб, ташаҳхудга ўтиради ва салом бериб намозни тугатади.

Кеч қолиб келган киши шом намозининг охирги ракатига етиб келган бўлса, имом салом берганидан кейин, туриб икки ракат ўқийди. Бунда ҳар бир ракатдан кейин ташаҳхудга ўтиради ва ҳар ракатида Фотиҳа ва зам сура ўқийди. Натижада шом намозини учта қаъда билан тугатган бўлади.

*(Мазкур масалалар “Фатавойи ҳиндийя” китобидан олинди).*